

Қуръондан ҳукм чиқариб олиш ҳаммага ҳам эмас



04:24 / 02.03.2025 1619

Ташаддуд йўналишида ижтиҳод қилиш ман қилинган, яъни ижтиҳод қила олмайсиз. Ҳукми фақат Қуръон ва Суннатдан олишингиз мумкин. Лекин улар, яъни ташаддудчилар Қуръон ва Суннатдан ҳар қандай одам ҳам далил олиши мумкин, дейишади. Бу гапни асослаш учун: «Биз насронийларга ўхшаб, динни тушунтириб берадиган роҳибларни тайинлаб олмаймиз. Аксинча, «Қуръон ва Суннат ҳар ким учун ҳам манба бўлаверади», дейишади. Умуман олганда, тўғри гап, лекин бунинг замирида залолат, бузғунчилик яшириниб ётибди. Тўғри, Қуръон ва Суннатдан фойдаланишга ҳамма ҳақли, лекин ҳукм олишга эмас. Мавъиза, эслатма олиш учун фойдаланиши мумкин, лекин ақийдавий ёки фикҳий ҳукм чиқариб олишга ҳамманинг ҳам ҳаққи йўқ, бунга ҳамманинг ҳам лаёқати йўқ.

Қуръон ўқиб, ундан ўзимиз учун насиҳат олаверамиз, лекин ўзимизча фикҳий ёки ақийдавий ҳукмларни чиқариб олишга ҳаққимиз йўқ. Қуръон ҳар қандай одам учун ҳидоят олиш, эслатма, ваъз олиш манбаи, у ҳамма учун очиқ, лекин ундан ҳукм чиқариб олиш ҳаммага ҳам эмас. Қуръондан истаган одам ҳукм чиқаришга ҳақли десак, Аллоҳ таолонинг «**Билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг**» деган ояти бекорга чиқиб қолади, чунки ҳамма ўзи Қуръонни билиб, тушуниб олаверса, зикр аҳлидан сўрашнинг нима кераги бор? Ташаддуд вакиллари мана шу жойда жим

бўлиб қолишади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Яман аҳлига Муоз розияллоҳу анҳуни нега юбордилар? Нега уларга мактуб жўнатиб қўя қолмадилар. Масалан, Муоз розияллоҳу анҳуга: «У ерда уч кун тургин-да, мендан эшитганларингни уларга ёзиб бергин. Қуръонни ҳам ёзиб бергин-да, «Мана, олинглар ва шунга амал қилинглари», дегин», десалар бўлмасмиди? Нега айнан ўзини юбордилар? Муоз розияллоҳу анҳу аҳли аёлини, оиласини ташлаб, Яманга бориб яшаганидан кўра керакли гапни ёзиб, жўнатиб юбориш осонроқ, қулайроқ эди-ку?

Демак, бундан келиб чиқадики, Набий алайҳиссалом Яман аҳлининг айнан Муоз розияллоҳу анҳуга тақлид қилишини хоҳлаганлар. Демак, уламоларга тақлид ва мурожаат қилиш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буйруқлари экан. Биз у зотнинг буйруқларига биноан Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳга эргашамиз. Тўғри, Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида яшамаган, у зотнинг ўринларида Муоз, Алий ва бошқа саҳобалар розияллоҳу анҳум бўлишган ва Набий алайҳиссалом одамларни уларга тақлид қилишга буюрганлар. Энди бизнинг замонимизда уларнинг ўрнига бошқалар келдимиз, демак, биз Набий алайҳиссаломнинг буйруқлари бўлгани учун уларга тақлид қиламиз. Имом Абу Ҳанифа, имом Шофеъий, имом Молик ва имом Аҳмад роҳимаҳумуллоҳга тақлид қилишни айнан Муоз розияллоҳу анҳунинг ҳадисларидан оламиз, чунки Набий алайҳиссалом бу ҳадисда динни одамлардан олишга буюрганлар, китоблардан олишдан қайтарганлар.

Муоз розияллоҳу анҳунинг ҳадисларидан олинадиган яна бир хулоса шуки, Қуръон ва Суннатдан ҳукм олишга ҳамманинг ҳам лаёқати кифоя қилмас экан.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.